

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик этувчи судья И.Хамидов, судья ёрдамчиси Ж.Уктамовнинг котиблигида, томонлардан Қўшработ туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Мамиров, судланувчи Ч.Микиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ҳакимовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланиб судга берилган Микиев Чутбой Абдирахимовичга нисбатан 1-1408-2501/278-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Микиев Чутбой Абдирахимович (Mikiyev Chutboy Abdiraximovich), 1961 йил 1 июнь куни Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, нафақада, оилали, турмуш ўртоғи вафот этган, Қўшработ тумани “Заркент” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 20 декабрь куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараларини ҳамда судланувчини охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Микиев Чутбой Абдирахимович 2025 йил 9 декабрь куни соат 20:00 лар атрофида Қўшработ туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспекторлари ва ЖҚБ тезкор вакиллари томонидан Қўшработ туман “Заркент” маҳалласи ҳудудида ўтказилган тадбир жараёнида, “Исмоил” ва “Пари” таҳаллуси билан иштирок этган тадбир иштирокчиларига ғаразли ва паст ниятларда жами 400.000 сўм пул эвазига ўзи яшаб келаётган Қўшработ туман “Заркент” маҳалласидаги яшаш уй-жойининг алоҳида хонасида жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, фоҳишахона ташкил этган вақтида ҳодиса жойида ушланиб, ундан ҳолислар иштирокида тадбирда ишлатилган 400.000 сўм пуллар ашёвий далил сифатида олинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Микиев Чутбой Абдирахимович ўзининг кўрсатувида айбига иқрорлик билдириб, турмуш ўртоғи Микиева Қизманой 2025 йил 29 май куни касаллиги туфайли оламдан ўтганлигини, у Қўшработ тумани “Заркент” маҳалласида



жойлашган уйида ёлғиз ўзи яшашини, 2025 йил 9 декабрь куни соат тахминан 16:30 лар атрофида Қўшработ тумани “Заркент” маҳалласида жойлашган чойхонага борганида олдиндан таниш бўлган Турдибеков Олимни кўриб қолиб у билан биргаликда ошхонада овқатланишганини, ўша куни соат 17:00 ларда яшаш уйига қайтаётган вақтида унга бир киши телефон қилиб исмини Исмоил эканлигини айтиб, бир аёл таниши борлигини, бир кеча тунаб қолиб жинсий алоқа қилиши ҳамда уни рози қилиб кетишини айтганини, у ўзини “Исмоил” деб таништирган кишига розилик билдириб, яшаш уйи манзилини тушунтирганини, шундан кейин у уйига келиб қизи Микиева Рохатойни синглиси Абдурахимова Дилдорани уйига боришини айтиб уйдан чиқариб юборганини, кеч пайт тахминан соат 20:00лар атрофида яшаш уйида вақтида ташқарида уни бир киши чақирганини, чиққан вақтида 40 ёшлар атрофида бўлган Исмоил ва қора рангли куртка кийиб олган қиз борлигини кўрганини, шундан кейин уларга уйида ҳеч ким йўқлигини айтиб, яшаш уйини хонасига киргизганлигини, кейин Исмоил билан гаплашганида у неча пул беришлигини сўраганида 500.000 сўм бўлишини айтганини, шунда Исмоил унга 400.000 сўм берганини, у пулларни олиб ўзи ўтирган кўрпани остига яшириб қўйганлигини, кейин қиз унга қайси хонада ётса бўлшини сўраганида ўзлари ўтирган хонани ёнидаги хонага киргизиб хонадаги кўрпа ва тўшаклардан жой солиб берганлигини, сўнгра орадан икки дақиқалар вақт ўтганидан кейин Исмоил ва қиз иккаласи жой солиб берган хонага кириб кетишганини, ўзи эса қўйларига ем пишириш учун ташқарига чиқиб кетганини, орадан бироз вақт ўтиб уч-тўрт киши келиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканлигини айтиб таништириб уйига кимларни қўйганлигини ва улардан неча сўм пул олганлигини сўрашганида, йигит ва қизни киритган хонани кўрсатганини, улар хонага киришган вақтида йигит ва қиз кўрпанинг ичида ярим ялонғоч ҳолатда ётганлигини кўришганини, шундан кейин ИИБ ходимлари икки нафар холисларни иштирокида ундан 400.000 сўм пулларни ашёвий далил сифатида хужжатларни расмийлаштириб олишганини, у муқаддам уйида жинсий алоқа қилишлари учун ҳеч кимга шароит яратиб бермаганлигини, пулга муҳтожлиги сабабли бир марта рухсат берганлигини, ҳозирги кунда қилмишининг оқибатларини тушуниб етганини, чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Аманов Фазлиддин Асадович ўзининг кўрсатувида, у 2025 йил декабрь ойидан буён Қўшработ тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига туман ҳудудидаги криминоген вазиятни барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, уларни олдини олиш, содир бўлган жиноятларни фош қилиш, жиноят содир қилиб тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш ва бошқалар киришини, Қўшработ тумани “Заркент” маҳалласида яшовчи Микиев Чутбой исмли хс ўзига тегишли бўлган яшаш уйида фохишахона ташкил қилиб, йигит



ва қизларни жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб бераётганлиги ва даромад қилиб келаётганлиги тўғрисида тезкор маълумотлар олинганини, шундан кейин унинг жиноий фаолиятига чек қўйиш мақсадида тезкор тадбир ташкил қилиниб, тадбирга шартли равишда “Исмоил” ва “Пари” исмли тадбир иштирокчилари жалб қилиниб, тадбирда фойдаланиш учун 4 дона 100.000 сўмлик купюрадаги рақамланган ва нусхалари олинган пуллар холислар иштирокида берилганлигини, шундан кейин Исмоил ва Пари билан Ч.Микиевнинг яшаш хонадонига боришганини, улар уйга кириб кетишгач, орадан 10-15 дақиқалар ўтганидан кейин тадбир иштирокчиси томонидан махсус хабар берилгач улар холислар билан биргаликда Ч.Микиевни яшаш хонадонига кириб боришганини, ҳолат тўлиқ видео тасвирга олинганини, Исмоил ва Парига алоҳида хонда жинсий алоқа қилишлари учун жой солиниб, тушакда ярим ялонғоч ҳолатда бўлганини, шундан кейин Ч.Микиевдан унга берилган пулларни сўраганида у ўз ихтиёри билан кўрпача остида турган 400.000 сўм пулларни чиқариб берганини, шундан кейин ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, пуллар ашёвий далил сифатида олинганини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Мардиев Абдитолиб Ширинкул ўғли ўзининг кўрсатувида, 2025 йил 9 декабрь куни кечги вақтда Интизор кўчасидан ўтиб кетаётган вақтида олдиға ўзини ИИБ ходими деб таништирган шахслар келиб, унга туман ҳудудида фоҳишабозликка қарши тадбир ўтказилаётганлигини, шунда холис сифатида иштирок этиб беришини илтимос қилганини, у рози бўлганидан кейин яна бир холиснинг иштирокида ИИБ ходимлари ўзларини хонасида тадбир иштирокчилари “Исмоил” ва “Пари” тахаллусли шахсларга 100 минг сўмлик купюрадаги жами 400.000 сўм пулларни рақамлари ёзиб олиниб берилганини, шундан кейин улар Кўшработ туман “Заркент” маҳалласига бориб, машинадан тушмасдан қараб турганларида Исмоил ва Пари бир уйга кириб кетишганини, орадан бироз вақт ўтганидан кейин уларни ортидан уйга кириб борганларида унинг алоҳида хонасида тўшакда Исмоил ва Пари ярим ялонғоч ҳолда ётганини кўришганини, бу ҳолат тўлиқ видео тасвирга олинганини, ўша ерда ўзини уй эгаси деб таништирган Микиев Чутбойдан ИИБ ходимлари булардан неча пул олганини сўраганида, Ч.Микиев кўрпаларнинг орасидан 400.000 сўм пулларни чиқариб берганини, кейин ИИБ ходимлари пулларни олиб ҳужжатларни расмийлаштиришганини билдириб баёнот берди.

Судланувчи Ч.Микиевнинг юқорида баён қилинган айби, иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги суриштирув ва тергов ҳужжатлари, яъни

-билдирги, фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик ҳолатини фош қилиш учун овоз ёзиб олиш қурилмаси, тадбирда ишлатиш учун пул бериш ва олиш баённомалари (ишнинг 4-9-бети);



-ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган фотосуръатлар ва тушунтириш хатлари (ишнинг 10-21-бетлари);

-нарсани кўздан кечириш баённомалари ва фотосуръатлар (ишнинг 44-57, -бетлари);

-ёзиб олинган сўзлашувларни стенограмма қилиш баённомаси (ишнинг 58-61-бетлари) ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботланади.

Суд, судланувчи Ч.Микиевнинг жинойий қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ч.Микиевнинг жинойий қилмишини қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг шахсини, нафақадалигини, муқаддам судланмаганлигини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигинини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган унинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

-5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боқлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ч.Микиевга жазо тури ва меъёрини тайинлашда оридаги қонун талаби ва Пленум қарорида берилган тушунтиришларга



амал қилиб, унинг шахсини, нафақадалигини, муқаддам судланмаганлигини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имконияти мавжудлигини инobatга олиб, у айбли деб топилган қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

-судланувчи Ч.Микиевнинг зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазони ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашларни юклашни;

-иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 400.000 сўм пуллар тилхат орқали ИИБ ЖҚБ ходимларига қайтарилганлигини ва 1 дона “ДВД” дискни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини эътироф этишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддалари тартибида

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Микиев Чутбой Абдирахимович (Mikiyev Chutboy Abdiraximovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Микиев Чутбой Абдирахимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан Қўшработ тумани “Заркент” маҳалласидаги яшаш уйини келгусида иш ёки ўқишга кирган тақдирда, иш ёки ўқиш ва унга бориб-келиш вақтидан ташқари тарк этиши бутунлай чекланган ҳолда 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ч.Микиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

-озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Ч.Микиевнинг тақиқларга, (чеклашларга) риоя этиши устидан назорат олиб бориш Қўшработ туман ИИБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати пробаця гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Хукм қонуний кучга киргач Ч.Микиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 400.000 сўм пулларни тилхат орқали ИИБ ЖҚБ ходимларига қайтарилганлиги ва ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги эътироф этилсин.

Хукм устидан тарафлар хукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи хукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, хукм қонуний кучга киргач кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш, прокурор протест билдириш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья

И.Хамидов

